
Суд-ҳуқуқ, адлия, МИБ идораларига ва бошқа ижтимоий масалаларга оид оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига кўра, Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудирини Б.Мамаджанов, туман ЖИБ суди раисини Ш.Комилов, Фарғона вилояти Адлия бошқармаси бошлиғини шуъба бошлиғини А.Ёқубов, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлимининг бошлиғини Д.Аъзамов, туман прокурорини А.Бобохонов, Данғара туман МИБ бўлимининг бошлиғини ўринбосарини О.Убайдуллаевлар иштирокида Данғара тумани 3- сектор ҳудудидаги Ғумойли МФЙ биноси ҳудудида суд-ҳуқуқ, адлия, МИБ идораларига ва бошқа ижтимоий масалаларга оид оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Қабул жараёнида фуқаролар томонидан билдирилган барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечимини топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

2024-07-15 18:36:12